



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

20 24 yil « 27 » avgust

№ 532

Toshkent sh.

Давлат таълим муассасаларида юридик таълимнинг узлуксиз тизимини жорий этиш ҳамда вояга етмаган ёшларнинг хуқуқий маданияти ва саводхонлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Маъмурий ислоҳотлар доирасида адлия органлари ва муассасаларининг масъулиятини янада ошириш ҳамда ихчам бошқарув тизимини шакллантириш тўғрисида” 2024 йил 24 майдаги ПФ-80-сон Фармонига мувофиқ юридик таълимнинг узлуксизлигини таъминлаш ҳамда вояга етмаганлар ва ёшларнинг хуқуқий маданияти ва саводхонлигини ошириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қиласди:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Маъмурий ислоҳотлар доирасида адлия органлари ва муассасаларининг масъулиятини янада ошириш ҳамда ихчам бошқарув тизимини шакллантириш тўғрисида” 2024 йил 24 майдаги ПФ-80-сон Фармонида қуидагилар белгиланганлиги маълумот учун қабул қилинсин:

мактабларда “Хуқуқ синфи” ва хуқуқ фанлари чуқурлаштирилган ҳолда ўқитилишини ташкил этиш орқали юридик кадрларни тайёрлашда “мактаб – лицей – техникум – университет” тизимини жорий этиш;

Наманган ва Самарқанд вилоятлари юридик техникумлари негизида Тошкент давлат юридик университетининг академик лицейларини ташкил қилиш ҳамда уларнинг иқтидорли битирувчиларини “юриспруденция” йўналишидаги олий таълим муассасаларига сұхбат асосида тест синовларисиз қабул қилиш;

Адлия вазирлигининг маҳсус электрон платформаси орқали хуқуқ фани ўқитувчиларининг касбий билим ва кўнималарини узлуксиз ошириб бориш ҳамда уларни методик таъминлаш тизимини йўлга қўйиш;

ўқувчилар ўртасида “Хуқуқ билимдони” фан олимпиадаси, хуқуқ фани ўқитувчилари ўртасида “Энг яхши хуқуқ ўқитувчиси” кўриктанловини ўтказиб бориш;

мактаб ўқувчиларининг хуқуқий билимларни мустақил ўзлаштиришига қаратилган кўргазмали ўқув қўлланмалари, видеороликлар, компьютер ўйинлари ва мобиъл иловаларни яратиш.

2. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги билан биргаликда 2024/2025 ўкув йилидан бошлаб босқичма-босқич умумий ўрта таълим муассасаларида (кейинги ўринларда – умумтаълим муассасалари) “Давлат ва хукуқ асослари” фани чуқурлаштириб ўқитиладиган вариатив ўкув режалари асосида замонавий кўргазмали ўқитиш воситалари билан таъминланган “Хукуқ синфлари”ни ташкил этиш чораларини кўрсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳамда Мактабгача ва мактаб таълими вазирлигининг Тошкент давлат юридик университети хузуридаги Наманган ва Самарқанд вилоятлари академик лицейларига (кейинги ўринларда – академик лицейлар) қабулни 2024/2025 ўкув йилидан бошлаб амалга ошириш тўғрисидаги таклифларига розилик берилсин.

4. Куйидагилар умумтаълим муассасаларининг “Давлат ва хукуқ асослари” фани доирасидаги асосий вазифалари этиб белгилансин:

умумий ўрта таълимнинг давлат таълим стандартлари асосида замонавий ахборот технологияларидан кенг фойдаланган ҳолда, “Давлат ва хукуқ асослари” фани чуқурлаштириб ўқитилишини ташкил этиш;

ўкувчиларни “юриспруденция” йўналиши бўйича вариатив ўкув режалари асосида таълимнинг кейинги босқичларида самарали таълим олишга тайёрлаш;

назарий тайёргарликнинг хукуқни қўллаш амалиёти билан узвий боғлиқлигини таъминлашга қаратилган маҳорат ва ўкув дарсларини ўтказиш учун юридик амалиёт ходимларини жалб қилиш орқали дарсдан ташқари машғулотларни самарали ташкил этиш;

ўкувчилар “Давлат ва хукуқ асослари” фанини мукаммал ўзлаштириши учун зарур шароитларни яратиш;

ҳар бир ўкувчининг индивидуал хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, шу жумладан, шахслараро мулоқот, зарур хукукий маълумотларни тез қидириб топиш ва мустақил таҳлил қилиш ҳамда бу борада ўз муносабатини билдириш қобилиятларини ривожлантириш;

юқори касб маҳоратига ҳамда профессионал тайёргарликка эга бўлган тажрибали педагог ўқитувчиларни жалб қилиш;

ўкувчиларни “Давлат ва хукуқ асослари” фанидан мактаб, туман (шаҳар), вилоят ва республика олимпиадаларида ҳамда бошқа тадбирларда иштирок этишга тайёрлаш.

5. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги:

умумтаълим муассасаларида хукуқ фанидан дарс берадиган олий юридик маълумотга эга бўлмаган педагог ходимларни бепул асосда 2026 йил якунига қадар босқичма-босқич юридик мутахассислик бўйича қайта тайёрлаш учун зарур чораларни кўрсин;

хуқуқ фанидан дарс берадиган педагог ходимларнинг малакасини келгусида доимий равишда ошириб бориш мақсадида 2024 йил 1 ноябрга қадар узлуксиз касбий ривожлантириш платформасини яратсин;

“Давлат ва хуқуқ асослари” фанидан дарс берадиган педагог ходимларга услубий кўмаклашиб борсин ҳамда ўқув-методик материаллар (видеодарслар, тақдимот ва кўргазмали қуроллар ҳамда бошқа ўқув материаллари)ни яратсин;

2024/2025 ўқув йилидан бошлаб умумтаълим муассасаларида “Давлат ва хуқуқ асослари” фанидан дарс берадиган педагог ходимлар учун “Энг яхши хуқуқ ўқитувчиси” республика қўрик танловини тизимли равишда ўтказиш чораларини кўрсин.

Бунда танловни ташкил этиш билан боғлиқ бўлган харажатлар Адлия вазирлиги ҳамда Мактабгача ва мактаб таълими вазирлигининг бюджетдан ташқари маблағлари, ҳомийлик хайриялари ва қонунчилик хужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан қопланади.

6. Ўзбекистон Республикаси Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги Адлия вазирлиги билан биргаликда:

давлат таълим стандартларига мувофиқ “Хуқуқ синфлари” учун ўқув режасини ишлаб чиқиб тасдиқласин;

ўқув жараёни халқаро таълим стандартларига мувофиқ яратилган замонавий ўқув адабиётлари асосида амалга оширилишини таъминласин. Бунда ўқув адабиётларини яратишда ўқувчиларда кундалик ҳаётда дуч келадиган хуқуқий вазиятлар ва муаммоларни акс эттирувчи маълумотлар оддий, содда ва равон тилда тушунарли баён қилиниши инобатга олинсин;

умумтаълим муассасаларининг “Давлат ва хуқуқ асослари” фанидан яратиладиган дарсликлар бўйича Адлия вазирлигидан хулоса олиш амалиётини йўлга қўйсин;

“Хуқуқ синфлари” ташкил этиладиган умумтаълим муассасаларини ўқув адабиётлари, шу жумладан, ўқитувчиларни методик қўлланмалар билан таъминласин.

Мазкур бандда назарда тутилган чора-тадбирларни амалга ошириш билан боғлиқ харажатлар ҳар йили Мактабгача ва мактаб таълими вазирлигига умумтаълим муассасаларини дарсликлар ва ўқув-методик қўлланмалар билан таъминлаш учун ажратиладиган маблағлар доирасида молиялаштирилади.

7. Белгилансинки:

а) “Хуқуқ синфи”га ўқувчилар “Давлат ва хуқуқ асослари” фанига қизикувчи 8-синф ўқувчилари орасидан сараланиб, мактаб педагогик кенгаши тавсияси асосида директорнинг буйруғи билан ўтказилади;

б) 2024/2025 ўқув йилидан бошлаб “мактаб – лицей – техникум – университет” узлуксиз таълим тизими асосида академик лицейларни муваффақиятли тугатган ўқувчилар (икки йиллик ўқиши даврида ҳар бир ўқув

йили якунига кўра ўзлаштириш баҳолари “5 (аъло)” ва “4 (яхши)”, бироқ ўзлаштириш баҳоларининг камидаги 50 фоизи “5 (аъло)” бўлган битиравчилар) тест синовларисиз тўғридан-тўғри (тўлов-контракт асосида), юридик техникумларга қабул қилинади;

в) академик лицейлар тегишли Наманган ва Самарқанд вилоятлари юридик техникумларининг ҳукуқ ва мажбуриятлари, шунингдек, тузилган шартномалари бўйича ҳукуқий вориси ҳисобланади;

г) Наманган ва Самарқанд вилоятлари юридик техникумларининг амалдаги ўқув дастурлари бўйича ўқитиш якунлангунига қадар илгари белгиланган тартибда академик лицейларда давом эттирилади, техникумлар ўқувчиларига нисбатан илгари белгиланган имтиёзлар сақлаб қолинади ҳамда битиравчиларга тегишли мутахассислик бўйича диплом берилади;

д) Наманган ва Самарқанд вилоятлари юридик техникумлари ходимлари қонунчиликда белгиланган тартибда академик лицейлардаги мавжуд штат бирликлари ва меҳнатга ҳақ тўлаш микдорлари доирасида ишга қабул қилинади;

е) академик лицейларнинг ижрои директори лицейнинг фаолиятига оид барча масалалар, жумладан молиявий масалалар, маъмурий бошқарув ва ўқув жараёнини ташкил этиш учун жавобгар ҳисобланади;

ж) академик лицейларнинг ўқув-услубий жараёни юридик таълимнинг узлуксизлиги ва изчиллигини таъминлашни ҳисобга олган ҳолда, Тошкент давлат юридик университети томонидан мувофиқлаштирилади.

8. Академик лицейларни сақлаш харажатлари 2024 йилда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига ажратилган Давлат бюджети маблағлари ҳамда Адлия вазирлиги ва Тошкент давлат юридик университетининг бюджетдан ташқари маблағлари доирасида, 2025 йилдан бошлаб эса Давлат бюджети параметрларида назарда тутилади.

9. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Ёшлар ишлари агентлиги, Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги, Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги уч ой муддатда умумтаълим муассасалари, академик лицей ва касб-хунар мактаблари ўқувчилари ўртасида “Ҳукукий зakovat” интеллектуал ўйини ва “Ёш ҳукуқшунос” кўрик танловларини ўtkазиш тартибини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

10. Ёшларнинг ҳукуқий саводхонлигини ошириш, уларни қонунга итоаткорлик ва ҳукуқбузарликка тоқатсизлик руҳида тарбиялаш бўйича чора-тадбирлар дастури **1-иловага** мувофиқ тасдиқлансан.

11. Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 9 сентябрдаги 562-сон қарори билан тасдиқланган Умумий ўрта таълим ташкилотлари, академик лицей ва касб-хунар мактаблари ўқувчилари ўртасида фан олимпиадаларини ташкил этиш, ўtkазиш ҳамда халқаро олимпиадалар иштирокчиларини саралаш ва ғолибларни рағбатлантириш тартиби тўғрисидаги низомга **2-иловага** мувофиқ қўшимча киритилсан.

12. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги:

бир ой муддатда академик лицейларнинг уставини ишлаб чиқиб, белгиланган тартибда тасдиқланиши ҳамда давлат рўйхатидан ўтказилишини таъминласин;

икки ой муддатда Тошкент давлат юридик университети ҳузуридаги Самарқанд вилояти академик лицейини 2024–2025 йиллар давомида тўлиқ капитал таъмирлаш бўйича тегишли таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

уч ой муддатда манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда ўзлари қабул қилган норматив-хукуқий хужжатларни ушбу қарорга мувофиқлаштирунсан.

13. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси адлия вазири А.Д. Ташкулов, олий таълим, фан ва инновациялар вазири К.А. Шарипов ҳамда мактабгача ва мактаб таълими вазири X.Ў. Умарова зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири



А. Арипов

Вазирлар Махкамасининг
2024 йил “27” августдаги 532-сон карорига
1-илова

Ёшларнинг хукукий саводхонлигини ошириш, уларни қонунга итоаткорлик ва хукукбузарликка
тоқатсизлик руҳида тарбиялаш бўйича чора-тадбирлар
ДАСТУРИ

T/р	Чора-тадбирлар	Амалга ошириш механизми	Бажариш муддати	Масъул ижрочилар
I. “Давлат ва хукуқ асослари” фанини ривожлантириш йўналишида				
1.	“Давлат ва хукуқ асослари” фани режа ва дастурларини қайта кўриб чиқиши. Бунда криминология асослари, жиноят ва маъмурий хукукбузарликнинг мазмуни, жавобгарлик чоралари ҳамда салбий оқибатлари ёритилишига эътибор қаратиш. Бунда мазкур бобни жиноят ва маъмурий хукукбузарликнинг мазмуни, жавобгарлик чоралари ҳамда салбий оқибатларини тушунтиришга қаратилган мавзулар билан тўлдириш.	1. Ишчи гурухни шакллантириш. 2. “Давлат ва хукуқ асослари” фани режа ва дастурларини қайта кўриб чиқиши. 3. “Давлат ва хукуқ асослари” фани режа ва дастурларига “Криминология асослари” бобини киритиш. Бунда мазкур бобни жиноят ва маъмурий хукукбузарликнинг мазмуни, жавобгарлик чоралари ҳамда салбий оқибатларини тушунтиришга қаратилган мавзулар билан тўлдириш.	2024 йил октябрь 2024 йил ноябрь-декабрь	Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги (Х.Умарова), Адлия вазирлиги (А.Ташкулов), Ички ишлар вазирлиги (П.Бобоҷонов)
2.	“Давлат ва хукуқ асослари” фанининг 11-синф учун мўлжалланган дарслигининг янги таҳририни тайёрлаш.	1. “Давлат ва хукуқ асослари” фани мутахассисларидан иборат идоралараро муаллифлар гурухини тузиш. 2. “Давлат ва хукуқ асослари” фанининг 11-синф учун мўлжалланган дарслигининг янги таҳририни белгиланган тартибда тайёрлаш. 3. “Давлат ва хукуқ асослари” фанининг 11-синф учун мўлжалланган дарслигини Адлия вазирлиги томонидан экспертизадан ўтказиш. 4. Ишлаб чиқилган янги таҳрирдаги “Давлат ва хукуқ асослари” фани дарслигини ўкув жараёнига татбиқ этиш чораларини кўриш.	2024 йил сентябрь 2024 йил октябрь-декабрь 2025 йил январь 2025/2026 ўкув йилидан бошлаб	Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги (Х.Умарова), Адлия вазирлиги (А.Ташкулов), Ички ишлар вазирлиги (П.Бобоҷонов)

3.	<p>“Тарбия” фанининг ўкув дастурларини тақомиллаштириш.</p>	<p>1. Умумий ўрта таълим муассасаларининг ўқувчиларида хуқуқий иммунитетни шакллантириш мақсадида “Тарбия” фанига қонунга итоаткорлик руҳида тарбиялашга қаратилган мавзуларни киритиш бўйича тақлифларни ишлаб чиқиш. 2. Ишлаб чиқилган тақлифлар асосида “Тарбия” фани ўкув дастурлари ва дарсликларини тақомиллаштириб бориш.</p>	2024 йил декабрь	<p>Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги (Х.Умарова), Таълимни ривожлантириш республика илмий-методик маркази (Ю.Рисюкова), Адлия вазирлиги (А.Ташкулов)</p>
4.	<p>“Давлат ва хуқуқ асослари” фанидан электрон ресурслар, жумладан, электрон дарсликлар, ўкув-методик мажмуалар, видеодарсларни тайёрлаш ва улардан масофавий таълим жараённида самарали фойдаланишни йўлга кўшиш.</p>	<p>1. “Давлат ва хуқуқ асослари” фанидан ўтиладиган мавзулар рўйхатини шакллантириш. 2. Электрон дарсликлар, ўкув-методик мажмуалар ҳамда видеодарслар тайёрлаш бўйича ишчи гуруҳ тузиш. 3. Шакллантирилган мавзулар рўйхати асосида электрон дарсликлар, ўкув-методик мажмуалар ҳамда видеодарслар тайёрлаш.</p>	2024 йил сентябрь	<p>Адлия вазирлиги (А.Ташкулов), Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги (Х.Умарова)</p>

II. Вояга етмаганлар ва ёшларда хуқукий саводхонлик даражасини ошириш йўналишида

5.	<p>Болалар учун мўлжалланган хуқукий мавзуларда, шу жумладан, атроф-муҳитга эҳтиёткорона муносабатда бўлиш, дарсларга мунтазам катнашиш, йўл ҳаракати қоидаларига риоя қилишни тарғиб қиласиган видеороликлар тайёрлаш ва тарқатиш.</p>	<p>1. Болаларнинг кундалик ҳаётида энг кўп учрайдиган муносабатларни тартибга солувчи нормалар мазмун-моҳиятини ёритишига қаратилган видеороликлар тайёрлаш. 2. Тайёрланган видеороликларни ижтимоий тармоқларда кенг тарқатиш.</p>	2025 йил январь-март	<p>Адлия вазирлиги (А.Ташкулов), Маданият вазирлиги (О.Назарбеков), Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги (Х.Умарова), манбаатдор вазирлик ва идоралар</p>
6.	<p>Болалар учун хуқукий, мантикий, кўнгилочар-интерактив портал – “bolahuquqlari.uz” портали фаолиятини янада тақомиллаштириш, жумладан, портални болалар учун мўлжалланган маълумотлар билан бойитиш.</p>	<p>1. “bolahuquqlari.uz” портали фаолиятини янада тақомиллаштириш бўйича хуқукий ўйинлар, хуқукий дарсона бўлимларини маълумотлар билан бойитиш. 2. Портални болалар орасида оммалаштириш чораларини кўриш.</p>	2024 йил ноябрь-декабрь	<p>Адлия вазирлиги (А.Ташкулов), Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги (Х.Умарова)</p>

7.	<p>Таълим муассасаларида ўқувчилар учун ёшга мос хуқуқ ва бурчларни тушунтириш мавзуларида очиқ дарслар, ўқув машғулотларни тизимли ва узлуксиз ташкил қилиш.</p>	<p>1. Таълим муассасаларида ўқувчилар учун ўтказиладиган очиқ дарслар, ўқув машғулотлари мавзулари рўйхатини шакллантириш. 2. Ёшга мос хуқуқ ва бурчларни тушунтиришга қаратилган маъруза матни, тақдимотлар ҳамда видеороликларни тайёрлаш бўйича ишчи гуруҳ тузиш. 3. Шакллантирилган мавзулар рўйхати асосида маъруза матни, тақдимотлар ҳамда видеороликларни тайёрлаш.</p>	2024 йил сентябрь	Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги (Х.Умарова), Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги (К.Шарипов), Адлия вазирлиги (А.Ташкулов)
8.	<p>Кўзи ожиз ўқувчилар учун уларнинг хукуқларига оид қонунчилик хужжатлари, шу жумладан, янги таҳрирдаги Конституциянинг аудио шаклларини тайёрлаш ҳамда кўзи ожиз ва заиф кўрувчи болалар учун ихтинослаштирилган мактаб-интернатларга етказиш.</p>	<p>1. Янги таҳрирдаги Конституциянинг мазмун-моҳиятини кенг ёритишига қаратилган аудио материаллар тайёрлаш. 2. Тайёрланган материалларни кўзи ожиз ва заиф кўрувчи болалар учун ихтинослаштирилган мактаб-интернатларга етказиш.</p>	2024 йил декабрь	Адлия вазирлиги (А.Ташкулов), Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги (Х.Умарова), манфаатдор вазирлик ва идоралар
9.	<p>Профессионал ва олий таълим муассасалари талабалари учун таълим жараёнлари, стипендия олиш, ётоқхона билан таъминланиш, таълим кредитлари, тўлов-контракт турлари, ўқишидан четлаштириш, ўқишини қайта тиклаш, академик таътил олиш, олий таълимдан кейинги таълим ҳамда олий таълим билан боғлик бошқа жараёнларни қамраб олган маҳсус қўлланма тайёрлаш ва электрон шаклда тарқатиш.</p>	<p>1. Профессионал ва олий таълим муассасалари талабалари учун қўлланма лойиҳасини тайёрлаш ва белгиланган тартибда тасдиқлаш. 2. Тайёрланган қўлланмани манфаатдор вазирлик ва идораларга тарқатиш.</p>	2025 йил февраль	· Адлия вазирлиги (А.Ташкулов), Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги (К.Шарипов)
10.	<p>Оммавий ахборот воситалари (ОАВ), жумладан, телевидение ва радиода болалар хукуқларига бағишлиланган маҳсус кўрсатув ва эшиттиришлар ташкил</p>	<p>1. ОАВда ёритиладиган бола хукуқларига оид мавзулар рўйхатини шакллантириш.</p>	2024 йил октябрь	Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги (Х.Умарова), Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги

	қилиш. Бунда хукукий мавзуларни содда ва кизиқарли тарзда ёритиш.	2. Мавзулар рўйхатига асосан телевидение, радио ва бошқа ОАВларда бола хукуқларига бағишлиланган маҳсус кўрсатув ва эшиттиришлар орқали чиқишиларни ташкил этиш.	Доимий	(К.Шарипов), Маданият вазирлиги (О.Назарбеков), Адлия вазирлиги (А.Ташкулов), Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги (А.Хаджаев)
11.	Болалар оромгоҳларида болалар учун турли хукукий мавзуларда машғулот ва тадбирлар ўтказиб бориш.	1. Олий таълим муассасаларининг иқтидорли талабалари орасидан тегишли тарғибот гурухларини шакллантириш ҳамда тарғибот материалларини (флайер, баннер, слайд, инфографика ва бошқа тарқатма материаллар) тайёрлаш. 2. Болалар оромгоҳларида хукукий мавзуларда ўтказиладиган тадбирлар режа-графигини тасдиқлаш. 3. Режа-графикка асосан тизимли равишда хукукий мавзуларда машғулот ва тадбирлар ўтказиб бориш.	Хар йили май ойида Хар йили май ойида Доимий	Ёшлар ишлари агентлиги (А.Саъдуллаев), Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги (Х.Умарова), Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги (К.Шарипов), Адлия вазирлиги (А.Ташкулов), манбаатдор вазирлик ва идоралар

III. Таълим муассасаларида қонунга итоаткор ҳамда хукуқбузарликларга тоқатсиз ёшларни тарбиялаш йўналишида

12.	Умумий ўрта таълим мактабларида амалиётчи хукуқшунослар томонидан амалий дарс машғулотлари ўтказилишини ташкил этиш. Бунда вояга етмаганларнинг хукуқлари, бурчлари, хукуқбузарлик тушунчалиги ҳамда унинг оқибатлари, шахсий хукуқ ва эркинликлар, инсон хукуқлари ва эркинликларининг кафолатланиши, давлат ҳокимиятининг тизими, Ўзбекистон Республикасининг суд ҳокимияти, давлат хизматларини кўрсатиш тартиби каби масалаларни ёритишга эътибор қаратиш.	1. Умумий ўрта таълим муассасалари ўкувчиларига амалиётчи хукуқшунослар томонидан ўтказиладиган амалий дарс машғулотлари рўйхатини шакллантириш. 2. Шакллантирилган машғулотлар рўйхати асосида ҳар ойда камида бир маротаба амалиётчи хукуқшунослар (профилактика инспекторлари, судьялар, прокурорлар, адвокатлар, адлия ходимлари) томонидан хукукий мавзуларда дарсдан ташқари амалий дарс машғулотларини ўтказилишини ташкил этиш.	2024 йил октябрь 2024/2025 ўкув йили давомида	Адлия вазирлиги (А.Ташкулов), Ички ишлар вазирлиги (П.Бобоҷонов), Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги (Х.Умарова), Бош прокуратура (Н.Йўлдошев), Олий суд (Б.Исламов), Адвокатлар палатаси (Ш.Садиков)
-----	---	--	---	---

13.	Умумий ўрта таълим муассасалари, академик лицей ва касб-хунар мактаблари ўқувчилари ўртасида “Хукуқ билимдони” фан олимпиадаси ўтказишни йўлга кўйиш.	1. “Хукуқ билимдони” фан олимпиадасини ташкил этиш. 2. Олимпиаданинг республика босқичини юқори савияда ўтказиш.	2024/2025 ўкув йилидан бошлаб Доимий	Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги (Х.Умарова), Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги (К.Шарипов), Адлия вазирлиги (А.Ташкулов), манфаатдор вазирлик ва идоралар
14.	Умумий ўрта таълим муассасалари, академик лицей ва касб-хунар мактаблари ўқувчилари ўртасида “Ёш хукуқшунос” кўрик-танловини ташкил этиш.	1. “Ёш хукуқшунос” кўрик танловини ташкил этиш ва ўтказиш бўйича низом лойиҳасини ишлаб чиқиши. 2. Низом лойиҳасини Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги, Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳамда Адлия вазирлиги қўшма қарори билан тасдиқлаш. 3. Тўрт босқичли (таълим муассасаси, туман/شاҳар, ҳудудий ҳамда республика) “Ёш хукуқшунос” кўрик танловини ташкил этиш.	2024 йил ноябрь 2024 йил декабрь 2024/2025 ўкув йилидан бошлаб	Адлия вазирлиги (А.Ташкулов), Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги (Х.Умарова), Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги (К.Шарипов), манфаатдор вазирлик ва идоралар
15.	Умумий ўрта таълим муассасалари, академик лицей ва касб-хунар мактаблари ўқувчилари ўртасида “Хукуқий заковат” интеллектуал ўйинини ташкил этиш.	1. “Хукуқий заковат” интеллектуал ўйинини ташкил этиш юзасидан концепцияни ишлаб чиқиши. 2. Уч босқичли (туман/шаҳар, ҳудудий ҳамда республика) “Хукуқий заковат” интеллектуал ўйинини ташкил этиш.	2024 йил декабрь 2025/2026 ўкув йилидан бошлаб	Ёшлар ишлари агентлиги (А.Сайдуллаев), Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги (Х.Умарова), Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги (К.Шарипов), Адлия вазирлиги (А.Ташкулов)
16.	Вояга етмаганлар ва ёшлар ўртасида хукуқий билимларни мустаҳкамлаш билан бирга ижодкорлик қобилиятларини ҳам ривожлантиришга қаратилган хукуқий мавзуларда иншо, рассомлик ва бошқа ижодий танловлар ўтказиш.	1. Таълим муассасалари ўқувчилари ўртасида ижодий танловларни ташкил этиш ва ўтказиб бориш. 2. Танловда совринли ўринларни эгаллаган иштирокчиларни ҳомийлар хайриялари хисобидан рағбатлантириш.	2024/2025 ўкув йилидан бошлаб	Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги (Х.Умарова), Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги (К.Шарипов),

				Маданият вазирлиги (О.Назарбеков)
17.	Замонавий күргазмали ўқитиш воситалари билан таъминланган “Хукуқ синфлари”ни босқичма-босқич ташкил этиш.	1. “Хукуқ синф”лари ташкил этиладиган умумий ўрта таълим муассасалари рўйхатини шакллантириш. 2. Белгиланган умумий ўрта таълим муассасаларидағи “Хукуқ синф”ларини замонавий күргазмали ўқитиш воситалари билан таъминлаш.	Ҳар йили (сентябрь-октябрь) Режага асосан	Адлия вазирлиги (А.Ташкулов), Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги (Х.Умарова), манфаатдор вазирлик ва идоралар
18.	Умумий ўрта таълим муассасаларини хукукий методик қўлланмалар билан бепул таъминлаш.	1. Ўқувчиларнинг ёши, психофизиологик хусусиятини инобатга олган ҳолда, кундалик ҳаётда тўқнаш келадиган хукукий вазият ва муаммоларни содда шаклда тушунтиришга қаратилган турли күргазмали кўринишдаги тарқатма материалларни тайёрлаш. 2. Тайёрланган тарқатма материалларни умумий ўрта таълим муассасаларига бепул тарқатиш.	2024-2026 йиллар давомида	Адлия вазирлиги (А.Ташкулов), Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги (Х.Умарова), Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги (К.Шарипов)

IV. Вояга етмаганлар ва ёшлар ўртасидаги хукуқбузарликнинг олдини олиш бўйича илмий тадқиқотлар олиб бориши

19.	Вояга етмаганлар ва ёшлар ўртасидаги хукуқбузарликларнинг келиб чиқиши сабабларини илмий тадқиқ қилиш ва унинг олдини олиш бўйича илмий асослантирилган таклифлар ишлаб чиқиши.	1. Криминология соҳасидаги етакчи олимлар ва тадқиқотчilar томонидан хукуқбузарликлар содир этилиш сабабларини вилоятлар кесимида жойларга чиқиб, илмий тадқиқ қилиш ва маълумотлар тўплаш. 2. Тўпланган маълумотлар асосида шакллантирилган илмий ишланмаларни Республика илмий-амалий конференцияси доирасида муҳокамадан ўтказиши. 3. Республика илмий-амалий конференцияси доирасида шакллантирилган илмий хulosани тегишли ташкилотларга юбориши.	2024 йил ноябрь-декабрь 2024 йил декабрь 2025 йил февраль	Ички ишлар вазирлиги (П.Бобоҷонов), Адлия вазирлиги (А.Ташкулов), Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги (К.Шарипов)
20.	Ёшлар ўртасидаги хукуқбузарликларнинг келиб чиқиши сабабларини ўрганишга қаратилган илмий тадқиқотлар ҳажмини ошириши.	1. Вояга етмаганлар ва ёшлар ўртасидаги хукуқбузарликларнинг келиб чиқиши сабабларини ўрганишга қаратилган илмий тадқиқотларни	2024 йил ноябрь	Инновацион ривожланиш агентлиги (Ш.Ражаббаев),

		<p>молиялаштиришга устуворлик бериш тартибини ишлаб чиқиш.</p> <p>2. Вояга етмаганлар ва ёшлар ўртасидаги хукуқбузарликларнинг келиб чиқиш сабабларини ўрганишга қаратилган илмий тадқиқотларни молиялаштиришнинг минимал квотасини белгилаш.</p>		Ички ишлар вазирлиги (П.Бобожонов), Адлия вазирлиги (А.Ташкулов)
21.	Вояга етмаганлар ва ёшлар ўртасидаги хукуқбузарликларнинг келиб чиқиш сабаблари ва уни олдини олишга қаратилган докторлик ва магистрлик тадқиқотлар сонини ошириш.	<p>1. Вояга етмаганлар ва ёшлар ўртасидаги хукуқбузарликларнинг келиб чиқиш сабаблари ва уни олдини олишга қаратилган магистрлик тадқиқот мавзуларининг сонини ошириш.</p> <p>2. Вояга етмаганлар ва ёшлар ўртасидаги хукуқбузарликларнинг келиб чиқиш сабаблари ва уни олдини олишга қаратилган тадқиқотларни олиб бормоқчи бўлган талабгорларга таянч докторантурда ва докторантурага қабул боскичида устуворлик бериш.</p>	2024 йил ноябрь	Адлия вазирлиги (А.Ташкулов), Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги (К.Шарипов), Ички ишлар вазирлиги (П.Бобожонов)

IV. Умумий ўрта таълим муассасаларининг хукуқ фани ўқитувчиларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш йўналишида

22.	Умумий ўрта таълим муассасаларининг “Давлат ва хукуқ асослари” фанидан дарс берадиган олий юридик маълумотга эга бўлмаган педагог ходимларни малакасини ошириш.	<p>1. Умумий ўрта таълим муассасаларининг “Давлат ва хукуқ асослари” фанидан дарс берадиган, олий юридик маълумотга эга бўлмаган педагог кадрлар рўйхатини шакллантириш.</p> <p>2. Рўйхат асосида уларни Адлия вазирлиги хузуридаги Юридик кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институтида бепул асосда малакасини ошириш ва қайта тайёрлашни ташкил этиш.</p>	2024 йил ноябрь 2024-2026 йиллар (режа-график асосида)	Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги (Х.Умарова), Адлия вазирлиги (А.Ташкулов)
23.	Умумий ўрта таълим муассасалари, академик лицей ва касб-хунар мактабларининг “Давлат ва хукуқ асослари” фани ўқитувчилари ўртасида “Энг яхши хукуқ ўқитувчиси” кўрик танловини ташкил этиш ва ўтказиш бўйича низом лойиҳасини ишлаб чиқиш.	<p>1. “Энг яхши хукуқ ўқитувчиси” кўрик танловини ташкил этиш ва ўтказиш бўйича низом лойиҳасини ишлаб чиқиш.</p> <p>2. Низом лойиҳасини Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги, Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳамда Адлия вазирлиги қўшма қарори билан тасдиқлаш.</p>	2024 йил август 2024 йил сентябрь	Адлия вазирлиги (А.Ташкулов), Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги (Х.Умарова), Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги (К.Шарипов)

		<p>3. Түрт босқичли (таълим муассасаси, туман/шахар, ҳудудий ҳамда республика) “Ёш хукукшунос” кўрик танловини ташкил этиш.</p> <p>4. Ҳамкор ташкилотлар томонидан совринли ўринларни эгаллаган ўқувчиларни рағбатлантириш.</p>	2024/2025 ўқув йилидан бошлаб	
24.	Педагогика йўналишида таълим берувчи давлат олий таълим муассасалари ўқув режаларини қайта кўриб чиқиш.	<p>1. Педагогик йўналишда таълим берувчи давлат олий таълим муассасаларининг ўқув режасини қайта кўриб чиқиб, таҳлил қилиш.</p> <p>2. Таҳлил асосида педагогик йўналишда таълим берувчи давлат олий таълим муассасаларининг ўқув режасини такомиллаштириш чораларини кўриш.</p> <p>Бунда тегишли фанларнинг ўқув дастурига бўлажак ўқитувчиларнинг қонунга итоаткорлик лаёқатини ривоҷлантиришга йўналтирилган ўқув модулини киритишни назарда тутиш.</p>	2025 йил апрель 2025 йил май	Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги (К.Шарипов)

Вазирлар Маҳкамасининг
2024 йил “27” августдаги 532-сон қарорига
2-илова

**Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 9 сентябрдаги 562-сон қарори билан
тасдиқланган Умумий ўрта таълим ташкилотлари, академик лицей
ва касб-хунар мактаблари ўқувчилари ўртасида фан олимпиадаларини
ташкил этиш, ўтказиш ҳамда халқаро олимпиадалар иштироқчиларини
сарабаш ва ғолибларни рағбатлантириш тартиби тўғрисидаги низомга
киритилаётган қўшимча**

1. 1-илова қуйидаги мазмундаги 16¹-позиция билан тўлдирилсин:

“ 16 ¹ Давлат ва ҳуқуқ асослари фани + + + ”.
--

